

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 7 май • сешанба № 18 (858)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

Муҳаррир минбари

Хотира ва Қадрлаш: Халқнинг икки қаноти

ШАҲАРЛАР ҳам тур-турга бўлинади. Эҳтимол одамларга ҳам ўхшаб кетар. Голиб шаҳарлар, матонатли шаҳарлар, азоб-уқубатларга дош берган шаҳарлар, мағлуб шаҳарлар, мағрур шаҳарлар, таслим бўлган шаҳарлар, қирғин-барот ичида ёнган шаҳарлар!



Бугун биз эслаймиз. Фашизм инсоният устига оқ қанотини кендириб, дунёни ўз тегиригидан ўтказиб, куллини кўкка совураман, деганда унинг ҳамласига дош беролмаган шаҳарлар ҳам топилди. Тўғри, оч эди, юпун эди, лекин бу шаҳарларнинг ичидаги қанотларга ўқ қўйиб юборди. Олд-ортига қарамай, довулдай дағдағ қилиб келаятган фашизм мард ва жасур шаҳарлар қаршида додираб, писиб қолди. Фашизмнинг шохини синдириб йўлдан қайирган шаҳарлар Ленинград, Сталинград, Курск (Курск ёни жанги), Москва (Панфиловчилар), Белгород (Прохоровки қишлоғи) каби шаҳарлар ҳам одамларга ўхшаганини исбот этдилар. Ватан, ор-номус, галаба учун қалққан халқни ҳеч нарса енгиб, янчиб ташлай олмагани каби, музафариат туғи қоқ кўксига қадалган собит шаҳарларни ҳам душман топтай олмаскан.

Иккинчи жаҳон урушининг бизга, ҳозирги авлодга аниқ-аниқ сабақлари, матонат ва жасорат, оқибат бобидаги ҳаётий ўқитлари оламжаҳон. Қахрамон, матонатли шаҳарлар сафига мурувватли, меҳрли, офтоби оламтатир Тошкентни ҳам ёнма-ён қўйсак, биздан кетмайди, инсониятдан кетмайди, айни ҳақиқатнинг ёниқ юзига тик қараган бўламиз.

Сталинград уруши, ённи қашқатқич зарбасига кўкрак тутди. Ленинград уруши, Жаннинг аянли очарчилигида ҳам ирода ришаси узилмади, галабадан умидини узмади. Москва, оловга кўксини тутти, чекинмиш — ўлим, олдга юриш — ўлим бўлиб турган паллада галабага ишонч ўти сўнмаган шаҳар сифатида ўзини асраб қолди. Курск Иккинчи жаҳон уруши тақдирини тарихий из қолдирган қахрамон макомини олди. Танлар қабристонини номини олган Белгород урушининг зиркли шаҳри сифатида қахрамон эди. Ана шундай қанчалар қахрамон, жасоратли шаҳарлар тепасида учган ўқлар мўжиза рўй бериб бир лаҳзагина ҳавода тўхтаб қолганда эди, кейинчалик бу шаҳарлар бошидан йиллар давомида тинимсиз “ўқ ёмғирлари ёғиши” мумкин эди. Энди тасаввур қилинг: осмондан “ўқ ёмғири” ёққан шаҳарлар ҳудудларида инсон оёқ қўйиб турган она-ернинг бағри нечоғлиқ озурда, илматешик бўлиб, ҳилвираб кетмайдими?

Биз ана шундай — фашизм балосига қалқон бўлган шаҳарлар, мард, жасур, қахрамон шаҳарлар қаторига Тошкентни, умуман, Ўзбекистондаги барча шаҳар-қишлоқлар одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг асосидир. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлаганимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишимиз даркор... Бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаятган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгиланишини асосий шартидир.

Тўғри, Тошкент айвони, эшиги олдида танлар бостириб келмади, Тошкент томи тепасида самолётлар учмади, тўғри, Тошкент узун кечалар уруш ўқлари ичида жон олиб жон бермади, лекин мадори, силласи қуриб бораётган ўша шаҳарларга ўз жонини берди, оғзидаги нонини берди, тўрвасидаги доинини берди, ош-тузини берди, ризқини берди, меҳрини берди, топган-тутганини аямади. Уруш ситамгирларига бошлана бўлди — Тошкент. Фашизмнинг қонли қўли бўғизламоқчи бўлган миллионлаб болаларга иссиқ бағрини очди — Тошкент. Қари-қаранглар, ожизу ожизалар — урушнинг жабрдийдаларига паноҳ бўлди Тошкент. Умуман бани ўзбекистонликлар қайси эл-элат, қайси миллатлигидан қатъи назар уруш улоқтириб юборган инсонларга ўз уйининг тўридан жўй берди, шу уйнинг тўрида савлат тўкиб турувчи хонадон соҳиб бўлган ота, шу ховлининг боғига сув тараб обод қилиб турган ўғил эса урушга кетди. Ҳа, Ўзбекистонда бирор-бир хонадон йўқ эдики, урушга қимнидир юбормаган бўлса, Ўзбекистонда бирор-бир киши йўқки, урушга қимнидир юбормаган бўлса — қимнидир отаси, қимнидир бобоси, амакиси, тоға-жияни ва ҳоказо... Халқимизда, қишлоқларимизда ҳамма бир-бирига қавмиқариндош, чамбарчас, уруғ-аймоқ. Шундай экан, ўша пайлар бутун Ўзбекистон халқи урушнинг жабрдини кўрди, азобини тортди. Ўзбекистон ҳам ўз бағридаги навқирон болаларини қурбон қилди, қўлдан берди. Шундай экан, фашизм устидан қозонилган галабада Ўзбекистоннинг ҳам ҳиссаси чексиз, беқиёс.

Уруш азобини кўрган-кечирган, болалиги уруш даврига тўғри келган ёки ундан бериқоқда яшаган кишилар, уларнинг ўз ота-боболари тарихи, хотираси, ўтмишини қадрлагувчи фарзандлари ўша муҳим куллари эслаб, ўқиб, ўрганиб, ёши улуглардан эшитиб, ҳулоса қилдилар. Ўша кунлар ҳақида гап кетса, албатта, эътироф этдилар: “Ўзбекистонимиз? Ўзбекистон бизга уруш йиллари нон берган, жон берган, бизни асраб қолган...” дейдилар. Қимлигидан қатъи назар виждоний уйғоқ бўлса шундай дейди. Хоҳ рус, хоҳ украин, хоҳ беларус, хоҳ бошқа бўлсин, шундай дейди.

Бугун биз Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабани Хотира ва Қадрлаш тимсолида улуглаймиз, нишонлаймиз.

Биз бу улуг тушунча, яъни, Хотира ва Қадр тимсолида ўша азобли, қирғин қийматли уруш йилларини эслаймиз. Халқимизнинг, матонатли она-халқимизнинг бардоси ва чидаси қаршида бош эгамиз. Очарчиликнинг умумҳамла кезларини ёдга оламиз. Эркалар урушида, қари-қаранглар, хотин-халажлар, ёш болалар даладан бери келмай ишлаша, болақайлар хирмон бошига урушга кетган оталарининг қатта қалишларини қийиб борган ва қалиш ичига кириб қолган буюдей долларини бригадир кўрса-да, кўрмасликка олган кезларни хотирлаймиз. Ўша қалиш ичига тушиб қолган буюдей долларидан ярим ховлигунча қурмоч қилиб ёяётган болалик қаршида кўзимизга ёш келлади. Эрта тонгда янтоқ япроқчаларига қўнган оқимтир кукунни шакар ўрнида ялаётган ўсимлик кўз ўнгимизда жонланади. Қужжара ёб, шишиб ўлганлар, оч-наҳорлик жонжондан ўтиб, озиб чўп бўлиб қолган, лекин ховлигунча буюдони ташманиб-тамшаниб урушга, галаба учун жанг қилаётган жанчиларга юбораятган эгачи-сингиларимиз кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз ана шундай қийин-қуян куллари хотирлаймиз. Қадрлаганда эса бугунги кунинг — тинчликни, хотиржамликни, осойишталикни қадрлаймиз! Дастурхоналаримиздаги нонини, даламиздаги донни улуглаймиз. Бизнинг шу куллари етиб келишимизга ҳисса қўшган ёши улуг инсонларни қадрлаймиз.

Хотира ва Қадрлаш — халқнинг икки қаноти. Булар сиз ҳеч бир халқ парвоз қилолмайди.

Ёшлар кексаларимизда ўз кексалигини, кексаларимиз эса ёшларимизда ўз ёшлигини кўрадилар. Кеча улар биздай навқирон эдилар... Биз ҳам Худо умр берса кексалик гаштида биздан кейинги ёшлардан эъзоз толамиз.

Хотира — халқ қалбининг уйғоқ нигоҳи! Қадр эса миллат чехрасидаги ёниқ табасқумдир.

Бугун ана шундай ёниқ табасқумли Тошкентнинг, юртимиздаги барча шаҳарларнинг қоқ марказида Хотира шаъни улугланган майдонлар барпо этилди, она Ватан, она-халқ фаровонлиги йўлида фидойилик қилган инсонлар ёди, орамизда ҳаёт бўлган кексаларимиз қадрли улуғланади. Бу майдонлардан ёшларнинг қадами узилмайди. Бугун мамлакат ичра хотира улугланиб, Қадр тантана қилгани шу эмасми? Бизнингча, инсонийликнинг энг гузал сабоғи ҳам шудир!

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТДЮИда давра суҳбати Юридик таълим Тизимидаги юксак сифат ва самара

бу борадаги муваффақият ва
такомиллашувни таъминлайди



ОЛИЙ МАЖЛИС Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти ҳамкорликда “Юридик кадрларни тайёрлаш сифатида яхшилошнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

ТДЮИда ташкиллаштирилган ушбу тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, юртимиздаги юридик олий ўқув юртлири ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ихтисослаштирилган ўқув муассасалари олимлари ва мутахассислари, юридик таълим соҳасидаги экспертлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Унда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

ТДЮИ ректори, юридик фанлар доктори, профессор Омонулло Мухаммаджонов мамлакатимизда қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги каби принципаларга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган туб ислохотлар ва ўзгаришларнинг таркибий қисми сифатида кадрлар тайёрлаш сиёсатини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Айни вақтда юридик кадрларни тайёрлаш миллий таълим сифати, юридик таълим соҳасида амал қилаётган давлат таълим стандартлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини аниқловчи мезонлар, ўқув дастурлари, илмий-методик адабиётлар, қўлланмалар янада такомиллаштирилиши лозим.

Давра суҳбати иштирокчилари юридик таълимнинг такомиллаштирилиши юридик кадрларни тайёрлаш таълимнинг замонавий воситалари ва методларини ислоҳ қилишни, ўқув жараёнини амалиёт билан бевосита боғлиқлигини талаб этишини қайд этиб, бу соҳада ривожланган хорижий мамлакатларнинг илгор таърибларини ўрганиш ҳамда айрим жиҳатларини бизда ҳам қўллаш мақсада мувофиқлигини маълумлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар доктори Олим Оқилов сўз олиб, юридик кадрларни тайёрлаш тизимини тартибга солуви, энг муҳими, ҳуқуқшунос тайёрлашнинг барча босқичлари (тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу билан бирга, ҳуқуқшунос кадрларнинг ўқишдан кейинги тор мутахассислиги бўйича тайёрлаш жараёнини ҳар томонлама, мукамал ва умумэътироф этилган замонавий халқаро таълим стандартларини ўз ичига олган ягона қонун ҳужжатини қабул қилиш фурсати келганлиги ҳақида алоҳида тўхтади. Бу ерда гап юридик кадрлар тайёрлаш ишларини давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтариши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар — “Юридик таълим тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, “Юридик кадрларни тайёрлаш миллий дастури”, “Юридик таълимни ривожлантириш концепцияси” ҳақида кетмоқда.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқшунос кадрларни, шу жумладан, мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада яхшилашга қаратилган таклиф-таъсиялар келгусида замон талабига жавоб беришга қодир малакали ҳуқуқшунос кадрлар етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Мазкур давра суҳбатининг тўлиқ тафсилоти билан газетанинг келгуси сониде танишасиз.

Адлия нигоҳи

Ҳуқуқий маданияти юксак, билимли авлод

жамият ривожини, Ватан равнақини ва янгиланишини белгилайди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ўз маърузасидан бирида: “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”, — дея алоҳида таъкидлаган эди. Албатта, ёш авлод келажаги учун қайғуриши, миллат ва Ватан тақдирини ўйлаш халқнинг эртанги ёруғ кунини барпо этмоқ учун қилинаётган эзгу ишлар пойдевори демократ.

ШУ МАЪНОДА истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустақамланди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг туб замирида эса ҳар томонлама етуқ ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантириш мақсади мужассамдир.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да эътироф этилганидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан

Шу боис юртимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини яхшилаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганишини яхшилаш ҳақида”ги Фармойиш, Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни

юксалтириш Миллий дастури тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури асосида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинди.

Шубҳасиз, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда Конс-

титущия муҳим аҳамият касб этади. Унинг аҳамиятини куйидагича белгилаш мумкин: **Биринчидан**, Конституция — олий юридик мақомага эга ҳужжат. У шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқий боғлиқлиги, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосларини белгилаб беради. Конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий негизлари, давлат ҳокимиятини ташкил этишининг энг асосий қондалари айнаён Конституция нормалари билан тартибга солинади. Бирор-та ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондаларига зид келиши мумкин эмас; **Иккинчидан**, Конституция ҳуқуқ тизимининг асоси бўлганидек, конституциявий билимлар ҳам ҳуқуқий билимларнинг пойдеворини ташкил этади. Эеро, конституциявий нормаларнинг маз-

Талқин ва таҳлил Замонавий уй-жойлар қурилиши ҳуқуқий асосга эга

МУСТАҚИЛЛИККА эришганимиздан сўнг ўтган 22 йил ичида бошқа ҳуқуқ соҳалари каби уй-жой ҳуқуқи соҳаси ҳам бозор қонунлари, давлатнинг шу соҳадаги сийосати ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ривожланиб бори.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 2013 йил 17-18 апрелда кунигида пойтахтимизда бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусидаги халқаро конференцияда бу ҳолатга тўхтаб қўйишнинг зарурлигини билдириб ўтди: "Бу борада биринчи навбатда хал этиш лозим бўлган масалалардан бири — уй-жой қурилишининг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини тўздан қайта қўриб чиқиш ҳамда ислоҳ этишдан иборат эди".

Дарҳақиқат, 1990 йил 31 октябрда "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги ва 1991 йил 19 ноябрда "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида ҳуқуқий асос сифатида уй-жой муносабатларини бозор қонунлари асосида ислоҳ қилиш ҳамда аҳоли билан бирмаил ҳуқуқий қадм бўлди. Ушбу қонун ҳужжатларининг амалга киритилиши натижасида ҳуқуқий мулкчиликка кенг йўл очиб берилиши ва давлатга тегишли уй-жойларни шу уй-жойларда истиқомат қилувчи фуқароларга хусусийлаштириб берилиши натижасида илгари мавжуд бўлган ягона уй-жой фондининг арзимас қисминини ташкил этган ҳуқуқий уй-жой фондининг ҳажми ва миқдори ортishi билан бирга, янги мулкдорлар синфи, яъни "кўп квартиралы уй-жойдаги квартиралы мулкдорлар"и вужудга келди.

Уй-жой соҳасидаги энг биринчи ислохот ҳисобланган давлат уй-жой фондининг хусусийлаштирилиши ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда энг асосий ҳужжат сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондининг хусусийлаштириш тўғрисида"ги Низом ва Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги "Давлат уй-жой фондининг хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунини қўрсатиб ўтиш лозим. Ушбу қонун ҳужжатларида уй-жой ислохотларининг энг муҳим жиҳати — мулкдорлар синфини шакллантиришнинг дастлабки асоси сифатида уй-жойга бўлган ҳуқуқий мулкчиликни вужудга келтириш, қишлоқларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш ва энг муҳими, аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган эҳтиёжни қондириш ҳисобланади.

Уй-жой соҳасидаги биринчи ислохот сифатида давлат уй-жой фонди хусусийлаштирилган, коммунал уй-жой фондининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, давлатга тегишли бўлган уй-жой объектлари доирасини аниқлаш ва уй-жой фондининг ушбу турда яшаш мумкин бўлган фуқаролар билан ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш мақсадида 1994 йил 28 июнда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида коммунал уй-жой фонди тўғрисида"ги Низом қабул қилинди.

Мамалякамизда аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган навбатдаги ислохотлар бу қишлоқ жойларида замонавий уй-жой қуриш орқали кишиларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш ва қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ҳамда қиёфасини ўзгартириш бўлди. Мазкур соҳада амалга оширилган

ишларнинг ҳуқуқий асоси сифатида Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги "Қишлоққурилишлойиха" масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтини ташкил этиш тўғрисида"ги ва 2010 йил 8 сентябрдаги "Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришнинг тақомиллаштириш ва қурилишини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларини келтириб ўтиш мумкин. Айнан мазкур ҳужжатлар асосида қишлоқ жойларида уй-жой массивларини қуриш ишлари яқка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва маъқуллашган намунавий лойиҳалар асосида, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилмоқда.

Қишлоқ жойларида намунавий уй-жойлар замонавий талабларга жавоб бериши билан бирга, унга эгаллик қилишнинг ҳам қулай усули яратилганлиги ва унинг ҳуқуқий асослари белгиланганлиги, бу борадаги ислохотлар қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини таъминлашга қаратилганлигидан далолат беради. Бунини уй-жой қурилишига кредит ажратиш тизимидан ҳам аниқлаш олим мумкин.

Уй-жойли бўлишнинг бундай қулай механизмининг, аввало, 2006 йил 4 октябрдаги "Ипотека тўғрисида"ги Қонунга асосланади, қолaversа, Марказий банк бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомда кредит бериш тартибининг ҳуқуқий асослари назарда тутилган. Мазкур Низомнинг 11-12-бандларида назарда тутилганича, ипотека кредитлари ёш оилаларга 15 йилдан кам бўлмаган муддатда берилади.

Бунда, ёш оилалар воситачилик ҳақини тўламасдан кредитни муддатидан олдин қайтариши ҳамда унга ҳисобланган фоизлар тўловини муддатидан олдин амалга ошириши мумкин. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга бериладиган ипотека кредити ресурслари манбасидан қатъи назар, қуйидаги миқдорларда берилади: яқка тартибдаги уй-жойнинг қурилиши ва сотиб олиш учун — қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача; яқка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, кўп квартиралы уйдаги квартиралы сотиб олиш учун esa энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда замонавий уй-жой қурилишининг ҳуқуқий асослари яратилган ва бу жараён аҳоли учун қулай ва мақбул шартлар асосида, узоқ муддатда мўлжалланган ва паст фоизли кредит бериш йўли билан амалга оширилмоқда. Зеро, бугунги кунда аҳолининг кенг қатлами учун замонавий уй-жойга эга бўлиш имконияти ва унинг қонунчилик базаси мавжудки, бу ҳолат халқимизнинг турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Нурилло ИМОМОВ,
Наргиза АШУРОВА,
ТДЮИ ўқитувчилари



СУД ижроисини ижро ҳужжатининг ижро ҳаракатларини ва талабларини ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида амалга ошириши ва ижро этиши лозим.

ИШНИНГ МАЗМУНИ

Вилоят ҳўжалик судининг 15618-сонли иши бўйича давлат бирлашмасидан давлат қорхонаси фойдасига 536976357 сўм асосий қарз, 96655744 сўм пеня, олдидан тўлаб чиқилган 336450 сўм давлат божи ва 7000 сўм почта харажатлари, жами 633975551 сўм ундириш тўғрисида 2009 йил 15 декабрда ижро варақаси берилган. Ушбу суд ҳужжати Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўмонидан бўлимига 2010 йил 16 январда ижро этиш учун тақдим қилинган. Суд ижрочилари мазкур суд ҳужжати бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш ҳақида 2010 йил 16 январда қарор қабул қилган.

Вилоят ҳўжалик судининг 27703-сонли ҳўжалик иши бўйича қарор давлат бирлашмасидан давлат қорхонаси фойдасига 573266710 сўм асосий қарз, 80257339 сўм пеня, 5000 сўм почта харажатлари, жами 633975551 сўм ундириш тўғрисида 2011 йил 7 февралда ижро варақаси берилган. Ушбу суд ҳужжати ҳам Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъмин-

ИШНИНГ МАЗМУНИ

лаш департаменти тўмон бўлимига 2011 йил 18 мартда ижро этиш учун тақдим қилинган. Суд ижрочилари мазкур суд ҳужжати бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш ҳақида 2011 йил 18 мартда қарор қабул қилган.

Бирок ижроиди қўрсатилган суд ҳужжатларининг ижроси амалда таъминланмаган ва ундирувчининг бир неча марта юборган мурожаатлари оқибатсиз қолган.

Шу сабабли, аризачи — давлат қорхонаси жавобгарлар — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси ва тўмон суд ижрочилари бўлимига нисбатан суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатларини байрқонуний, деб топишни сўраган.

АРИЗАЧИНИНГ ВАЖЛАРИ

Вилоят ҳўжалик судининг 15618-сонли иши бўйича 2009 йил 15 декабрдаги ва 27703-сонли иши бўйича 2011 йил 7 февралдаги ижро варақалари ижроси амалга оширилмаганлигини сабабли Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бошқар-

Тизим тадбири Фаолиятга аралашувларни кескин қисқартириш тадбиркорлар учун яратилган улкан имконият

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ томонидан Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Халқаро молия корпорацияси ҳамда назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, Олий суд, Олий ҳўжалик суди билан ҳамкорликда "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонунчиликни тақомиллаштириш" мавзусида анжуман ташкил этилди.

ТАДБИРДА Адлия вазирининг ўринбосари А.Усмонов эшбилармонларнинг мамлакат иқтисодиётида тугган ўрнига тораб устувор аҳамият берилаётганлиги, унинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсадида қатор қонунлар, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиш кафолатлари яратилганлигини таъкидлади.

Адлия органларига тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида бир қатор вазифалар юклатилган. Мунтазам равишда жиҳатда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган эркин мулоқот, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Айниқса, турли идоралар вакилларини жалб этган ҳолда тадбиркорлик субъектлари учун "Очиқ эшиклар кўни" ташкил этилганлиги ҳусусий мулк эгаларига қўшимча қулайлик яратмоқда. Унда тадбиркорлик субъектлари дуч келётган масалалар тегишли идоралар вакиллари иштирокида муҳокама қилиниб, улларга амалий кўмак бериляпти. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунбузилиш ҳолатларини бар тараф этиш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиmlариди ташкил этилган "Ишонч телефонлари", тадбиркорлар мурожаатларининг электрон шаклда қабул қилинаётганлиги ҳам улларга яратилган ҳуқуқий ёрдамдан қонуний фойдаланишга хизмат қилмоқда.

Анжуманда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш бўйича тартиб-таомилларни янада тақомиллаштириш, уларнинг фаолиятида барқарорликни таъминлаш, қонунчиликка сўзсиз риоя этаётган тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни кескин қисқартириш масалалари таҳлил этилди.

Сўзга чиққанлар тадбиркорлик субъектлари томонидан даромадларни эркин тасарруф этиш, фаолиятини амалга ошириш учун зарур ҳужжатлар беришнинг белгиланган муддатлари ҳамда фаолиятда текширишлар ўтказишда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳақида сўз юритиб, иштирокчиларнинг бу борадаги саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институтини кошдаги академик лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда илмий даража (илмий унвонли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломи мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
1. Суровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржimai ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар ва иштироқлар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. Аxb ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилми: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел: 233-50-17.

Жиззах вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 майдаги 42-ум сонли бўйруғига асосан Жиззах шаҳридаги "Жаҳонгир" адвокатлик бюроси адвокати М.Қўлилова 2009 йил 3 июнда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи GZ №000004 сонли лицензиянинг амал қилиши суд ҳўжи қонуний кўча кирўнига қадар ёнқ реабилитация қилувчи асосларга биндан унқ жинсий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинўнўга қадар тўхтатилади.

ТАХРИРИЯТИМИЗГА нафақат адлия идоралари ходимлари ёки ҳуқуқшунослар, балки турли касб эгаларидан амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳияти, жойлардаги иқдорси, ижтимоий ҳаёт ва "Обод турмуш йили", миллий қадриятлар, қўйиники, ҳаётимизнинг барча баҳалларига оид мақолалар кўплаб келмоқда. Қизгин ҳаёт, кўтаринки руҳ уфуриб турган бу мактублар, аввало, ҳамюртларимизнинг газетамизга нисбатан тобора ортиб бораётган ишончи, шунингдек, халқимизнинг ижтимоий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий билим даражаси янада ошиб бораётганлигидан далолат беради.

ТАХРИРИЯТ ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ҳар бирига жиддий ёндашиб, газетонларни кўнўчак муаллифларнинг мақолалари қисқача мазмунини билан таништириб ўтишни жоиз топди.

— Бирор кўнингни яратгандан элу юртингга омонлик тиламасдан ўтказма. Сен ўз онангга қанчалик тегишли бўлсанг, она Ватанга ҳам шўнчалик дахлдорсан". Шарҳимизни республика Юристар малакасини ошириш маркази доценти Қосимбой Мамуровнинг "Эй танграм, она Ватанимни панохингда асра" мақоласи билан бошлаш иштиёр этганимиз бежиз эмас. Токи, америкалик аскар тили билан айтилган бу ҳақиқат сўзлари ҳар бир ёш қалбига абадий муҳрлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти

етидаги илмий ходими Зафар Рўзиевнинг "Иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш — давр талаби" номли мақоласи "Солиқ ва бюджет сўбсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти билан таништириб, фуқароларнинг солиқ маданиятини оширишга хизмат қилади.

Журналист Абдурахмон Мустафакўловнинг Ўзбекистон Республикасини Конституций суди судьяси Узок Бозоров билан қилган "Судья кадрларининг ижтимоий муҳофазаси" номли сўхбат мақоласида Президентимизнинг 2012 йил 12 августдаги "Суд тизимини ҳодимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тўздан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг суд-ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлаш ва тақомиллаштиришдаги аҳамияти ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимидидаги ислохотлар республика Юристар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси Мукаррам Ортиқованин "Сайловлар — бевосита демократия сифатида" Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди раиси Норқувват Янгибеовнинг "Мамалякамизда суд ҳокимияти мақевининг мустаҳкамлаши", Навоий вилояти адлия бошқармаси масўл ходими Хўлқар Норованин "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга охириги киритилган ўзгартишларнинг аҳамияти" сарлавҳали мақолаларида ҳам ўз ифодасини топган.

Республика Юристар ма-

— Ўқувчиларнинг интернет тизими ва "сотка" телефонларидан фойдаланишда меъёрга амал қилмаслиги, уларнинг ахлоқи ва соғлиғига салбий таъсир ўтказди, — дея бонг уради тадқиқотчи Мирислом Бадалов "Пўч ташвиқотларнинг маънавий таҳдидлари" мақоласида.

ТДЮИ доценти Фирюза Мухиддинова "Захириддин Мухаммад Бобурнинг адолатли давлат қуриш ҳақидаги гоьлари" сарлавҳали мақоласида esa буюк бобомиз Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёти ва бобурийлар салтанати, ТДЮИ талабаси Дилафрўз Юлдашева "Фуқаролик процессида даъво ва унинг турлари" номли ма-

Шарҳ Хатларда ҳаёт акси



қоласида Фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган даъво аризаларини келтириш тартиби ҳақида сўз юритади.

— Мамалякамизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси барча соҳаларда ҳар томонлама мустаҳкамланган бўлиб, миллий қонунчилигимизда бу борада алоҳида ҳуқуқий механизм яратилган. Бу борадаги қонун ҳужжатлари тораб тақомиллашиб, халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ жавоб беради, — дея вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳақида маълумот беради Зағиота тумани давлат нотариал идораси нотариуслари Гўзал Ходжаева ва Лола Самарходжаева.

— "Келажакдаги вояларнинг ҳуқуқий ҳимояси" номли мақоласида.

Беруний тумани ИИБ ТБ терговчиси Матирза Сейтазаровнинг "Локайдлик жаозаси" номли мақоласида ҳар қандай жиноятга тегишли жазо муқарар эканлиги ҳаётий мисол келтирилган.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини талабаси Ферузбек Обидовнинг "Юртимизда инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилаётган сай-ҳаракатлар" сарлавҳали мақоласида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида суд-ҳуқуқ соҳаси қонунчилигига кўплаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги, жумладан, ўлим жаозасининг бекор қилинганлиги инсон ҳуқуқларининг юксак даражада таъминланганлигидан далолат эканлиги ҳақида мулоҳаза юритилган.

Юқоридagi мақолалардан ҳам кўриниб турибдики, тахририятимизга келётган ҳар бир мақола жамиятимиз ҳаётига бевосита дахлдор бўлиб, аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини янада оширишга ҳисса қўшади.

Фарида УКИБОЕВА

Ҳўжалик суди амалиётидан Ижро ҳаракатлари ва талаблари икки ой муддатда ижро этилиши лозим

маси ва тўмон суд ижрочилари бўлими суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатларини байрқонуний, деб ҳисоблаган.

СУДНИНГ ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Биринчи инстанция суди Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси ва тўмон суд ижрочилари бўлимига нисбатан суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатларини байрқонуний, деб топишни сўраган.

ран кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва қарздорни мазкур муддат тугаганидан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ижро йўлини, суд ижросини томонидан қарздорга солинган харажатлар, шунингдек, ижро харажатларини ундирилган ҳолда мақбурий ижро этилиши тўғрисида баҳардор қилади. Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у қарилган кўнўннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек, ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади. Суд ижросини ундирувчининг аризасига биндан ёки ўз ташаббуси билан мулкий ундирувчи бўлиш ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилиши ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларини ихтиёрий равишда баъбарини ижро иши юритишни қўзғатишдан кўнўн эътибор

рочис томонидан ушбу ишлар юзасидан қарор нусхаси ундирувчига, қарздорга, шунингдек, ҳўжалик судига юборилмаган.

Мазкур Қўнўннинг 30-моддасига кўра, суд ижросини ижро ҳужжатининг ижро ҳаракатларини ва талабларини ижро ҳўжжати келиб тушган кўнўндан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида амалга ошириши ва ижро этиши лозим. Бирок ҳўжалик судининг 2009 йил 15 декабрдаги ҳамда 2011 йил 7 февралдаги ижро ҳўжжати юзасидан ундирувчи ишлари амалга оширилмаган.

Қўнўннинг 44-46-моддаларига асосан мажбурий ижро этиш чоралари тўғри расмийлаштирилган ижро ҳўжжати қонўнда белгиланган тартибда топширилганда ҳамда ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида суд ижросини томонидан қарор қабул қилинганда қўлланилади. Ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижросини томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллашга асос бўлади.

Суд ижросини томонидан вилоят ҳўжалик судининг давлат қорхонаси фойдасига давлат бирлашмасидан жами 633975551 сўм ундириш тўғрисида 2009 йил 15 декабрдаги ижро варақаси ижроси юзасидан ижро иши юритишни бир-бир процессуал ҳаракат амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳўжжат мавжуд эмас.

қилинган бўлса-да, ундириш чоралари учун бирон-бир ҳаракат қилинмаган.

Кайд этилган Қўнўннинг 40-моддаси, 4-бандига асосан агар қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулк ёки даромадлари қидириш юзасидан суд ижросини томонидан йўл қўйилмаган дорада қўрилган барча чоралар натижасиз бўлса, ижро ҳўжжати ундирувчига қайтарилади. Бу ҳақда суд ижросини тегишли далолатнома тўзади, ушбу далолатномани катта суд ижросини тасдиқлайди. Лекин, суд ижрочилари томонидан Қўнўннинг ушбу талаблари баҳарқилганлиги тўғрисида иш ҳўжжатидаги тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Суд ижросини томонидан тақдим этилган ижро ишда суд ижросини томонидан ижро ишнинг қўзғатиш ва ижро иши юритишларини бирлаштириш ҳақидаги қарор, 2009 йил 4 октябрдаги қорхонанинг ҳисоб рақамига банд солиш тўғрисидаги қарор, 2010 йил 24 майдаги ижро иши юритишда мутахассисни тайинлаш тўғрисидаги қарорлардан ташқари бирон-бир процессуал ҳаракат амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳўжжат мавжуд эмас.

Кайд этилганларга кўра, ҳўжалик суди давлат қорхонасининг аризазидаги талабни қанотлантирган.

Ватан хизматига шай турмоқ шараф



Суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари орасида ҳам адабиётга ошно бўлган, назм, наср жанрларида ўз ижод намуналари билан фаол иштирок этётган ижодкорлар талайгина. Ижодкорлик қалбига синган ҳуқуқшунос Исмаилов Иўлдошев ҳам ана шундай адабий жараён жонқуярларидан биридир. Унинг Шарқ мумтоз адабиётда кенг қўлланилган рубоий жанрида ёзилган бир қанча тўпламлари ўқувчилар ҳуқуқига ҳавола қилинган. Жумладан, "Хавас", "Бир ҳовуч офтоб", "Кўнгил ёғдуси", "Қалб чироғи", "Умр сарҳадлари", "Бешикдаги нур" ва "Меҳр" тўпламлари мухлислар томонидан илиқ кутиб олинган.

Исмаилов Иўлдошев

Нодонга ўргатма, бўлмади оқил, Сени бир чақага олмайди жоҳил. Азал толеъига шундай ёзилган — Етмишга кирса ҳам топмайди ақл.

Умр мазмунини безатган аёл, Ҳаёт бешигини тебратган аёл. Аёлсиз хонадон қувончи бўлмас — Дунё дастурхонини тўзатган аёл.

Бир сўзки, тафтидан келар ҳарорат, Бир сўзки, афтидан дилда тароват. Кўнгил ободлиги — юрт ободлиги, Ободлик тинчликка берар шаҳодат.

Ўзини гулханга чоғлаб кул бўлди, Ҳаёт жонон эди, йиғлаб тул бўлди, Одамдай яшомқ эди нияти — Умрини хирс билан доғлаб, кул бўлди.

Анча яшаб кўйдинг, гап йўқ баёнга, Энди бир ҳақиқат ўхшар аёнга. Одий бир саволга жавоб топмадинг — Қайқдан келдинг, кетдинг қайнга?

Дунё кенг азизим, торлик ёмондир, Умр пайкон эрса, ҳаёт камондир. Дунё авасаси мансабу бойлик, Макрига уммадинг, бошинг омондир.

Бегоналар ичида ҳар хил гапни сўзлама, Бошқа юртга дов тортиб, бахту тахтни излама. Энг синашта дўстинг ўзинг, дўсту ёрлар ичинда, Ўз элингдан айрилма, ўзингни ёлғизлама.

Ўзингга бино қур илм гиштидан, Минг қарра авлодлар бог-беҳиштидан. Илм ҳидоят қиёматга — Жоҳил лоф уради етти пуштидан.

Фароғат кўргайсан, захматда юрсанг, Заполат толгайсан миннатда юрсанг. Яхши ном қолдирай десанг дунёда — Дунё сеникдир, ҳимматда юрсанг.

Ниҳолни синдирма, терак бўлади, Дўстларни йўқотма, керак бўлади. Кексайган чоғингда излаб қоласан — Терак ҳам дўст каби тиргак бўлади.

Чехранг очик бўлсин, бағринг ҳам бутун, Бандага кўмак бер, елкала юкин. Бир кун эслашса, яхши десинлар — Барибир дунёга бўлмассан устун.

Илм шундай уммон, туби кўп чексиз, Унда қулоч отган бахт топар тенгсиз. Илм ол, элга бер, кетар чоғингда — Мол дунё сизгадир — қилқўприк энсиз!

Қонун посбонлари

Юртимиз тинчлиги учун масъул Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги фидойилари.

Юртим боғларида улуг чинорлар, Офтобга талпиниб кўкка буй чўзар. Бунда қанот қоққан лочинлар, сорлар, Юксак қояларда жамол кўрсатар...

Борлиқнинг эгаси Яратган Эгам, Суйган бандасини қўллағай ўзи. Бандаси аланглаб йўлдан адашса, Тўри йўлларига йўллағай ўзи.

Бамисли бургутлар тоғлардан ошиб, Юксак қояларни этгандек ишғол. Ватанинг мард, жасур ўғлонларига — Буюк имконларни берди Истиқлол!

Ватан бу аслида, гўзал Туркистон, Жаҳонгир Темурнинг буюк тимсоли. Шўқрим, юрт излаб кезмадик сарсон — Ватан, деб қон ютган Бобур мисоли!

Эрк шамоли эсди, юксалди гурур, Зулм ҳам етишди ниҳоятга... Мотрудий, Фарғоний набиралари — Отланди инсонлар ҳимоясига.

Мазлумлар кўзидан ёши аришиб, Улуг йўлга бизни бошлади Сарбон. Офтоб зийсини тўсган зулматга — Ватанинг мардлари бўлдилар қалқон.

Барчага аён шу азал ҳандаса, Қонун йўқ жойда зўриқ, заполат. Қозилар аланглаб, қонун инграса, Бундан озор чекиб доғлар адолат.

Минг йиллар ох чекиди қани, деб ҳақим, Шўқрим, тикланди топталган номус. Шўқрим, ўзлигин таниди халқим — Юртимда илк бора яралди Қомус!

Сиз доим сафарбар уйқусиз тунлар, Тинчликни сақлайсиз юрт — овулларда. Ҳавотирда кечар безовата кунлар, Ёзининг иссиғи-ю, қиш-довулларда.

Ғофиллар билмайди, хушёр зот англар, Ватан, деб кўпирар томирдаги қон. Покиза дилларни фаришта тинглар, Қанча фитналарга бўлдингиз қалқон...

Доимо хушёрсиз, доимо шайсиз, Жонажон Ватанинг тузини оқлаб. Одамлар ухлайди, Сиз-чи, тинмайсиз — Эртадан кечгача тинчликни сақлаб.

Ватан хизматида жангу жадалда, Ҳар ҳолда ишингиз, сирли гаройиб, Маконингиз Фориш, балким Қувада — Келинлар кузатсин ҳар тонг жилмайиб.

Сиз боис Ватан тинч, ҳаёт бардавом, Оила тинч, фарзандлар ухлар хотиржам. Боғларда ошиқлар висолдан сармаст — Бари тинчлик деган сўзда жамул-жам!

Ватан хизматига шай турмоқ шараф, Шарафдир оталар тузин оқласак. Меҳру муҳаббатдин ёришгай атроф — Инсонлик шайнини Сиздек сақласак!

1998 йил.

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банк (ОАЖ) жамоаси

мамлакатимиз халқини

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

билан чин дилдан қутлайди!

Бугунги нурафшон кунлар, ёрқин келажгимиз учун жонини фидо қилган улуг аجدодларимиз, ота-боболаримиз хотираси қалбимизда мангу яшайди.

Юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм суриб, халқимиз яратувчанлик ишқи билан яшаётган бир даврда ватандошларимизга энг яхши тилакларни изҳор этамиз.

9 май



Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 27 апрелдаги 83-ум-сонли буйруғига асосан "Ургут туманидаги "Хуқук" адвокатлик бюроси асосати Ишоннов Бироннинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макони тўғрисидаги...

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 27 апрелдаги 88-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Хуқук тарафдори" адвокатлик фирмаси адвокати Нуруллоева Шохидат Холмухаммаднинг вилоят адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 27 сентябрда берилган SA 000400 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макони тўғрисидаги...

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 27 апрелдаги 87-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Хидиров Зафар Узоқович Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд қонунчилари" адвокатлар ҳай'атида ишга кирганлиги муносабати билан унинг адвокатлик макони тикланди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 27 апрелдаги 88-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Дийнат нур" адвокатлик фирмасининг адвокати Абдулов Сурайт Ўбайдуллаевнинг билан муносабатини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макони тўғрисидаги...

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 29 апрелдаги 80-ум-сонли буйруғига асосан Ашуров Бақодир Нозимовнинг 2011 йил 28 мартда берилган ВН 000170 сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макони тўғрисидаги...

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 29 апрелдаги 81-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Тилова Назиповна Зайнулловани "BUKHARA ONLINE ADVOKAT" адвокатлик фирмаси ташкисчилари таркибидан чиқиб муносабати билан "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ унинг бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этганига қадар ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига кирганига қадар у ойдан ошмайдиган муддатта адвокатлик макони тўғрисидаги...

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 18 февралдаги 28-ум-сонли буйруғига асосан "Фемида" адвокатлик фирмаси адвокати Ражабов Рамазон Ходжиевичнинг тўғрисида адвокатлик макони унинг янги "AFINA PALLADA" адвокатлик бюросини ташкил этганига қадар ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига кирганига қадар у ойдан ошмайдиган муддатта адвокатлик макони тўғрисидаги...

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 30 апрелдаги 83-ум-сонли буйруғига асосан адвокатлар Дўргов Усмои Бақиров, Раҳима Қошиқ Райхонқович ва Ражабов Икром Нематовичларнинг "Адолат макони" адвокатлик фирмаси ташкисчилари таркибидан чиқиб муносабати билан "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ уларнинг бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этганига қадар ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига кирганига қадар у ойдан ошмайдиган муддатта адвокатлик макони тўғрисидаги...

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади

Table with columns for regions: Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Қашқадарё вилояти. Lists names of candidates and their positions.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нусخаси; 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа; 4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси; 5. Талабдорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўичра (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозиминда уч йил мобайнида ишлаган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўичра); 6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома. Танловда йиғирма беш ёшдан кўичра бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камда уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси Фурқаси иштирок этиши мумкин. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2013 йил 6 июнь) Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилтоқ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ижора) 183, 184, 185.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 23 апрелдаги 77-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Шавак" адвокатлик ҳай'атининг адвокати Усмонов Азамат Садуллаевичга нисбатан суд ҳукми қоний қуча кирганига қадар ёки раёбхотларга қўйилган асосларга билини мижрат шартномалари беқор қилинганлиги сабабли "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга 13-моддасига асосан у ойдан ошмайдиган муддатта амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этганига қадар ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига кирганига қадар бўлган даврда адвокатлик макони тўғрисидаги...

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонун 16-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибидан тасдиқланган тўғрисида"ги Қонунга 27-банди ҳамда Сулоҳов вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 24 апрелдаги 32-ум-сонли буйруғига асосан Наманган Абдулло Мирзоқаримовнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макони тўғрисидаги...

Footer section containing contact information for 'INSON VA QONUN' newspaper, including address, phone numbers, and website. It also includes a table with names and positions of staff members.